ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖИГА ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Ғ.Р. Мирзаев

Мақолада Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаолияти таҳлил қилиниб, унинг икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликда тутган ўрни ва аҳамияти ёритилган, ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида амалий тавсиялар берилган.

***Калит сўзлар**: қўшма комиссия, иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро манфаатли муносабатлар.*

В статье рассмотрена деятельность Узбекско-Туркменской межправительственной комиссии, освещены её место и роль в развитии партнёрства двух стран в сфере экономики и культуры, разработаны практические рекомендации по укреплению взаимовыгодных отношений.

***Ключевые слова**: совместная комиссия, экономическое партнерство, взаимовыгодные отношения.*

The article contains recommendations received as a result of analysis of the activities of intergovernmental commission of Uzbekistan and Turkmenistan. It also studies the role of these relations in the field of economics and trade between two countries, it gives practical consultations about maintaining mutual beneficial relationships.

***Key words**: joint commission, economic partnership, mutual beneficial relationship.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ халқаро муносабатлар, ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолият, ташқи сиёсат тамойилларини ишлаб чиқиш ва хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувида ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини белгилаш зарурат деб топилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан республика ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг ғоявий асослари белгилаб берилди: “Бу соҳа республика тараққиётининг устувор йўналишларидан бири, давлат сиёсатининг муҳим жиҳати деб белгиланди. Зеро, ташқи иқтисодий алоқалар улкан табиий ва илм-фан салоҳиятига, қудратли экспорт имкониятларига эга бўлган Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги салмоғи ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қилади” [1.125].

Ўзбекистон Республикаси манфаатидан келиб чиқиб, чет эл инвестицияларининг Ўзбекистонга кириб келиши, мамлакат ҳудудида қўшма корхоналарни барпо этиш, минтақавий ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари, ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти, чет эллик сармоядорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишига доир бир қанча қонунларнинг қабул қилиниши билан чет эллик инвесторларнинг республикамизда яратилаётган мулкларнинг дахлсизлиги ва эркин фаолияти учун ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан, хорижий инвестицияларни асосан тўғридан-тўғри сармоялар кўринишида республика иқтисодиётига кенг жалб қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, қўшма корхоналарни кўпайтириш ва чет эл инвестицияларини рағбатлантириш борасида давлатлараро қўшма комиссиялар фаолияти шакллантирилиб, ривожлантирила бошланди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, тартибга солиш ва ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳукуматлараро қўшма комиссиялар фаолияти алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ўзбек-туркман ҳукуматлараро қўшма комиссияси ўтган йиллар давомида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, ривожлантириш ва тараққий эттиришда муҳим роль ўйнаганининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида 1996 йил 16 январда имзоланган “Узоқ муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ҳукуматлараро битим [2.33] ҳамда 1996 йил 27 ноябрда имзоланган “Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман қўшма комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида”ги битим асосида 1996 йил ноябрь ойида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркманистон қўшма комиссияси (кейинги ўринларда “Қўшма комиссия” – М.Ғ.) тузилди [8]. Бугунги кунда ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, икки мамлакат ҳамкорлиги ҳолати, эришилган натижалар таҳлили, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳам-

корликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ва Туркманистон ҳамкорлигини халқаро ҳуқуқ, тенглик, тотувлик ва ўзаро манфаатлилик тамойиллари асосида келажакда кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман Қўшма комиссиясининг асосий вазифалари сифатида бир қатор масалалар белгилаб олинди. Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида тузилган шартнома ва битимлардан келиб чиқадиган ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, томонларнинг молиявий капитали ва технологияларини фаол жалб қилиш, молиявий-саноат гуруҳлар, қўшма корхоналар ва кооперациялашган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш шулар жумласидандир [6.22-24].

Мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Қўшма комиссия савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, шунингдек, икки давлат ўртасида ташқи савдо айланмасини йўлга қўйиш борасида мунтазам таклифлар ишлаб чиқиб амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Савдо ва Саноат Палатаси жорий архиви маълумотларига кўра, икки томонлама товар айирбошлаш йилдан-йилга ўсиб борган. Масалан, 2005 йил товар айирбошлаш 51,7 млн АҚШ долларини [4.1-3], 2000 йилда 193,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган [3.3].

2002 йил 11 ноябрда Ашхободда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукуматлари йиғилиши Қўшма комиссия томонидан амалга оширилган ишлар якунига бағишланди ва унда коммуникация, сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Қўшма комиссиянинг икки давлат ҳамкорлиги ривожига қўшаётган ҳиссасини, жумладан, Тошкентда Туркманистон ва Ашхободда Ўзбекистон миллий кўргазмаларининг ўтказиб борилаётганида кўриш мумкин. 2009 йилнинг февраль ойида Тошкентда Туркманистон миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада “Гап туркмен”, “Ениш”, “Туркмен атлари”, “Балкан докма”, “Туркмен хали” каби ўндан ортиқ Туркманистон компания, уюшма ва корпорациялари, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, энергетика, кимё, тиббиёт каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи қирқдан зиёд корхоналари ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этишди [9]. Ушбу кўргазма натижалари Қўшма комиссиянинг 2009 йил 12-13 февраль кунлари Тошкентда ўтган навбатдаги тўртинчи мажлисида ижобий баҳоланиб, унинг икки томонлама ўзаро савдо ҳажмининг муттасил ўсиб боришида ижобий аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Жумладан, 2008 йилда ўзаро товар айирбошлаш 196,1 млн. [4.1-3], 2012 йилда эса 433,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган [3.3].

Қўшма комиссия фаолияти нафақат давлатлараро савдо-сотиқ муносабатларини тартибга солиш ва ривожлантиришда, балки минтақавий аҳамиятга молик ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Қўшма комиссиянинг транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган қарорлари катта-катта лойиҳаларда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, 2009 йил декабрда муҳим стратегик хом ашёни экспорт қилиш имконини берувчи “Туркманистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой” кенг кўламли трансмиллий газ қувурининг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига мисол бўла олади [5.47-49].

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида 2010 йил январь ойида Ашхобод шаҳрида Қўшма комиссиянинг бешинчи мажлиси бўлиб, унда бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Шулардан бири Қўшма комиссия тўғрисидаги келишув бўлиб, у комиссия ишини мувофиқлаштириб борувчи ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Қўшма комиссиянинг 2011 йил 22 февралда Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида икки давлат хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва тўлақонли эркин савдо режимини ўрнатиш мақсадида ҳар икки мамлакатда ҳам савдо масалалари бўйича ваколатхоналарни очиш таклифи илгари сурилган эди. Шунга асосан 2011 йил 5 майда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркманистон Ҳукумати ўртасида Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида имзоланган ва 2011 йил 25 июлда кучга кирган битим ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади[7.35-36]. Натижада ҳамкорликда янги механизм яратилиб, у икки мамлакатнинг иқтисодий тузилмалари учун бевосита «on-line» тартибида иш юритиш имконини беради [7.35-37]. Яъни икки мамлакатдаги истеъмолчи ва харидорлар учун бир-бири билан танишиш, бизнес-мулоқот ўтказиш, шартномалар тузишда янги қулайликлар яратилди ва бу иккала давлат иқтисодиётининг дунё хўжалик тизимига интеграциялашувида босқич бўлди.

2012 йил 2 октябрда Ашхободда имзоланган 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик шартномаси [7.39-41] ва Ўзаро етказиб беришлар тўғрисида битимларнинг [7.32-38] тўлақонли амалга оширилиши яқин келажакда савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

2013 йил 11-12 ноябрь кунлари Ашхободда ўтказилиб, ўзаро савдо ва сармоя ҳажмини ошириш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозорлардаги ўрнини ошириш, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш масалаларига бағишланган навбатдаги тўққизинчи мажлисда илгари сурилган таклиф натижасида 2013 йилдан Ўзбекистон Туркманистонга кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш моллари, қишлоқ хўжалиги техникаси, металлдан тайёрланган ашёлар, маъданли ўғитлар, асбоб-ускуна ва транспорт воситаларини экспорт қилиш билан бирга сархил ва қайта ишланган полиз маҳсулотлари, хизматлар, тош ҳамда гипсдан тайёрланган буюмлар, ойна, электр ускуналари етказиб бера бошлади. Ўз навбатида Туркманистондан Ўзбекистонга нефть маҳсулотлари, ёғ ва ўсимлик мойи, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, хизмат кўрсатиш, ноорганик кимёвий воситалар, пропилен полимерлари, сульфат кислота каби товарлар келтирилган [10, 11].

Ўтган давр мобайнида Қўшма комиссия томонидан икки мамлакат ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали ҳам ушбу мамлакатлар сармоялари асосида ташкил этилган қўшма корхоналар сони мамлакатлар имкониятидан анча кам. 2013 йилга келиб Ўзбекистон ҳудудида Туркманистон инвестицияси иштирокидаги тўққизта корхона бўлса [3.3], 2014 йилда еттитани ташкил этиб, улардан биттаси 100 % хориж капитали асосида фаолият юритган [13]. Мазкур корхоналарнинг ҳам фаолият кўлами жуда тор бўлиб, улар қурилиш материалларини қайта ишлаш, нефть саноати маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Туркманистон ҳудудида эса 2013 йилда Ўзбекистон вакиллари иштирокида ташкил топган олтита корхона фаолият олиб борган бўлса [4.1-3], Қўшма комиссиянинг 2014 йил 31 июлда Тошкентда ўтказилган ўнинчи мажлиси маълумотларига кўра, Туркманистонда ўзбек капитали иштирокида 12 корхона рўйхатга олинган [13].

Қўшма комиссиянинг 2014 йил 31 июлда Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги ўнинчи мажлисининг олдингиларидан фарқли жиҳати шундаки, унда ҳамкорликнинг ҳар бир масаласи батафсил ўрганиб чиқилди ва маслаҳатлар берилди.

Қўшма комиссия фаолияти доирасида таҳлил этиб келинаётган соҳалардан бири илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик бўлиб, бу борада ҳам бир қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва экспериментал биология институти вакиллари туркманистонлик ҳамкасблари билан Туркманистон шароитига мос келадиган уруғлик чигит ва дон навларини яратиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан вакиллари нефть кимёси соҳаси бўйича ўзаро ҳамкорликда изланишлар олиб бормоқда [14].

Мажлисда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу мамлакатларимиз тараққиётига хизмат қилаётгани қайд этилди. Туркманистонлик ишбилармонларга “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” иқтисодий зоналаридаги имконият ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Энг асосийси, Қўшма комиссия диққат марказида ўзаро савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорликнинг янги имкониятларини кашф этиш ва бизнес борасида тажриба алмашиш масалалари турди [14].

Музокарада агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни тўлиқ амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Маълумки, ушбу битим қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш, пахтачилик ва ғаллачилик, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоялаш, селекция, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Қўшма комиссиянинг самарали фаолияти ва унда кўрилган масалаларнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда ҳамда икки томон имкониятларидан келиб чиқиб, келгусидаги фаолиятда ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширса бўладиган қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш жоиз деб биламиз:

давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш;

икки мамлакат ўртасидаги агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

қўшма корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш.

Зеро, бу йўналишлардаги самарали фаолият ҳукуматлараро Қўшма комиссиянинг Ўзбекистон ва Туркманистоннинг барча соҳалардаги ҳамкорлигини юқори поғонага кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.- 366 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ф-М-7, Р-1, ЙЖ-725, 33-варақ.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг жорий архиви. 1992–2012 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон давлати ўртасида ташқи савдо айланмаси ҳақида маълумот. 3-варақ.
4. Ўзбекистон Республикаси Савдо ва Саноат Палатаси жорий архиви. Ўзбекистон–Туркманистон муносабатлари ҳақида маълумот. 1–3-варақлар.
5. Исабаев А. Новые энергетические тренды в регионе Центральной Азии и Каспия. // Uzbekistan&CentralAsia- 2009.- № 4.- С.47-49
6. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами.- Т.,2009.- № 4.- 28 б.
7.Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами.- Т., 2011.- № 3-4.- 104 б.
8. Халқ сўзи.-1996.- 28 ноябрь.
9.Халқ сўзи.- 2009.- 26 февраль.
10. Халқ сўзи.- 2010.- 16 октябрь.
11. Халқ сўзи.- 2013.- 26 ноябрь.
12. Халқ сўзи.- 2014.- 25 октябрь.
14. http://www.газета.uz/news. 2014 йил 14 ноябрда мурожаат этилган.
15. http://www.uzbekistan.uz/uz/m/news/economics/25850. 2014 йил 14 ноябрда мурожаат этилган.

Низомий номидаги ТДПУ
2015 йил 15 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Л.М.Бабахаджаева)